



## ЭТНОГРАФИК ТУРИЗМ ХУДУД САЙЁҲЛИК ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Ахмедов Икром Акрамович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.*

*Тошкент, Ўзбекистон*

**E-mail:** [i.axmedov@tsue.uz](mailto:i.axmedov@tsue.uz)

**ORCID:** <https://orcid.org/0009-0006-1866-4456>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss4/i17](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss4/i17)

### Аннотация

Ушбу мақолада этнографик туризмни ривожлантириш ҳудуд сайёҳлик жозибadorлигини ошириш омили эканлиги асосланган. Озарбайжон ва Қирғиз Республикасида ташкил этилган этнографик туризм комплекслари тажрибаси ўрганилган. Этнографик туризмнинг ўзига хос хусусиятлари, шакллари ва уни ташкил этишнинг тажрибалари таҳлил этилган. Тупроққалъа ёдгорлигининг туризм жозибadorлиги аниқланган. Ушбу ёдгорлик ҳудудида этнографик туризм музейини ташкил этиш асосланган.

**Калит сўзлар:** туризм, этнографик туризм, жозибadorлик, этнографик музей, Тупроққалъа ёдгорлиги.

### Кириш

Кейинги йилларда туризм республикада тез ривожланаётган соҳалардан биридир. Бу соҳа ривожига давлатнинг эътибори жуда юқори. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-моддасида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгиланган [1]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 16 октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқида “биз ўз олдимизга жуда катта мақсад ва режаларни қўйганмиз ва бу борада сизлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Жумладан, Туризмни комплекс ривожлантириш бўйича 2030 йилгача бўлган стратегияни ишлаб чиқмоқдамиз.

Шунингдек, катта шаҳар ва сайёҳлар кўп борадиган манзилларда 30 та йирик туризм кластерлари ташкил этилади.

Биз юртимизнинг маданий туризм салоҳиятини оширишга ҳам катта эътибор қаратамиз.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига 200 дан зиёд моддий ва 6 та номоддий объектларимиз киритилган.

“Кўҳна тарих дурдоналари” миллий дастури доирасида туристларни ўзига жалб қиладиган маданий мерос объектлари сони 800 тадан 2,5 мингга етказилади, 745 та

маданий мерос объекти реставрация қилинади, 20 та меъморий ёдгорликда “очиқ осмон остидаги музей” лар ташкил этилади.

Зиёрат туризми дастури доирасида саёҳатга келувчилар сонини ҳозиргидан уч баробар кўпроққа оширамиз. Ана шу эзгу мақсадда табаррук зиёрат масканларининг географияси кенгайтирилиб, уларнинг ягона харитаси яратилмоқда” – деб таъкидлаб ўтган эди [2].

Маълумки, Ўзбекистонда этнографик туризм энг оммабоп туризм турларидан биридир. Мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг аксарияти мамлакат билан танишиш мақсадида келади. Албатта, туризм саноати ресурслари ҳар бир давлатнинг миллий бойлиги бўлиб, давлат мулки ҳисобланади. Бироқ, уларнинг баъзилари жаҳон аҳамиятига молик объектлар бўлиб, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бу рўйхатга Ўзбекистоннинг 4 та шаҳри ва 31 дан ортиқ тарихий масканлари киритилган. Ўзбекистонда 7000 дан ортиқ тарихий ва гўзал табиат-иқлим ёдгорликлари мавжуд. Аммо бугунги кунда ушбу туристик ресурсларнинг фақат 1/3 қисми туризм учун мавжуд [3].

Сайёҳларни мамлакатимизга юксак маънавият ва буюк тарих ўзига жалб қилади. Ўзбекистон халқи қадимдан то ҳозирги кунгача бой тарихга, маънавий қадриятларга, миллий урф-одатларга эга бўлиб, улар асрлар давомида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Унда миллатнинг орзу-умидлари, халқ яшаётган табиий, географик ва ижтимоий муҳит, халқнинг истеъдоди, маҳорати, қобилияти, этник, этногенези ва этник ўзига хослиги ўз ифодасини топган. Ўзбекистон зиёрат ва тарихий туризмдан ташқари, этнографик туризм учун бой моддий ва номоддий ресурсларга эга мамлакатдир.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-238 сонли Қарорида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда этнотуризм мажмуаларини ташкил қилиш топшириғи кетган [4]. Юқоридаги омиллар тадқиқот мавзусининг долзарблигини аниқлайди.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Туризмга бағишланган адабиётларда этнографик туризмнинг таърифлари жуда кўп. Умуман туризм соҳаси ва хусусан этнографик туризм билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган турли олимлар этнографик туризм тушунчасига турлича таъриф беришади.

Россиялик тадқиқотчилар Аванесова, Л. Воронкова ўзларининг “Туризм. Меҳмондўстлик. Хизмат” луғат-маълумотномада этнографик туризмнинг қуйидаги концепциясини беришган - бу анъанавий маданиятлар жойларига, миллий қишлоқларга ташриф буюриш, шунингдек, этник маданият ва ҳунармандчилик билан танишиш билан боғлиқ бўлган маданий-маърифий туризм турларидан биридир [5].

М. Б. Биржаков этнографик туризмни алоҳида миллатлар ва халқлар билан танишишга, уларни маданий ва тил алмашиш мақсадида ўрганишга қаратилган маданий туризмнинг кичик тури сифатида белгилайди [6].

Н.В. Моралева ва Е.Ю. Ледовскихлар этнотуризмни этник ўзига хослиги асосий туристик диққатга сазовор жой бўлган маҳаллий аҳоли иштирок этадиган туризм индустриясининг бир қисми деб ҳисоблайдилар [7].

С.Б. Сундуев, Л.В. Хышиктуева этнографик туризмни маданий-маърифий туризмнинг йўналишларидан бири сифатида белгилайди, бу туристни маҳаллий аҳоли муҳитига сингдириш ва маҳаллий миллий маданият билан танишишни ўз ичига олади [8].

Этнографик туризм туристларнинг халқларнинг асл ҳаётига қизиқиши, халқ маданияти, урф-одатлари, маросимлари ва ижоди билан танишишга асосланган. Замонавий стандартлаштирилган дунёда инсон ўзини бошқалардан ажратиб олиш, шахсий тарихга ва ҳар бир киши учун хос бўлган ўзининг маданий анъаналарига эга бўлиш учун ўзининг этник илдизларини ўрганиб, ўз тақдирини ўзи белгилашга интилади. Бошқа маданиятларнинг этник хусусиятлари билан танишиш ўзига хослиги билан ноёб халқлар ва миллатлар билан кўп томонлама дунёнинг ягона расмини яратишга имкон беради. Этник туризм бу халқлар вакиллари ўртасида яқин алоқалар ўрнатишга, уларнинг маданиятини жаҳон маданий меросига киритишга хизмат қилади.

Этнографик туризмнинг ўзига хос хусусияти сайёҳларнинг деярли ҳар қандай тоифаси учун жозибадорлиги бўлиши мумкин: чет элликлар; мамлакат фуқаролари; аждодлари тарихи, анъаналари ва ҳаётига қизиқувчи ёшлар; туристларнинг катта ёшдаги гуруҳи [9].

АҚШлик иқтисодчи В.Смит этник туризмни маданий-тарихий туризмдан ажратади [10].

Профессор А. Эштаевнинг тадқиқотларида этнографик туризмнинг мақсади маълум бир ҳудудда ҳозир ёки доимо яшовчи муайян халқ (этнос)нинг маданият, меъморчилиги, ҳаёти билан танишиш учун этнографик объектга ташриф буюришдир. Этнографик туризм мамлакатнинг табиий, тарихий ва маданий меросини асраб-авайлашнинг самарали воситасидир. Этнографик туризм - бу ҳудудларга ташриф буюриш билан боғлиқ маданий-маърифий туризм тури бўлиб, анъанавий турмуш тарзи кенг тарқалган. Этник гуруҳларнинг анъанавий маданиятини ўрганиш ва таништириш мақсадида саёҳат қилишни ўз ичига олган халқлар ҳаёти, сўнгра анъанавий хўжалик шаклларига эга бўлган ҳудудларга ўрганиш, ҳудуднинг этнографик меросини сақлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига, маҳаллий қонунларга ва минтақавий урф-одатларга риоя қилиш мазкур туризм турининг асоси ҳисобланади [11].

Этнографик туризмнинг асосий ресурси халқларнинг маданий-тарихий мероси ҳисобланади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 24 январь куни Олий Мажлисга Мурожатномасида белгилаб берилган муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот муаммоси танланган. Тадқиқотнинг индукцион йўналиши танланган бўлиб, илмий билишнинг иқтисодий таҳлил, мантиқийлик, илмий абстракциялаш, гуруҳлаш усулларилар орқали тадқиқот муаммоси очиб берилган. Хорижлик ва юртимиз олимларининг илмий ишлари тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади.

#### **Таҳлил ва натижалар**

“Этнография” атамасининг маъноси - бу халқлар ва этник гуруҳларнинг маданий ривожланишидаги фарқларни ўрганиш ва тушунтириш, маданиятнинг пайдо бўлиши

ва таназзулга учрашининг сабаблари ва механизмларини, халқлар ўртасидаги ирқий тафовутларнинг сабабларини, этник ва ижтимоий- иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилишини аниқлашдир [12].

“Этнографик туризм” атамасига қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Этнографик туризм – туристларнинг маълум бир этник гуруҳ маданиятини, унинг шаклланиш босқичларини, этногенезини ва этник гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ривожлантириш учун саёҳатидир”. Этнографик туризм илм-фан, маданият ва ижтимоий мавқенинг кўплаб соҳалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни ривожлантириш ва тарғиб қилишни талаб қилади. Туристлар этнографик тизимга кўра маълум бир давлатга келганларида, улар этник маданиятнинг ривожланиши, унинг шаклланиш босқичлари, этногенези ва гуруҳларнинг хусусиятлари билан танишади, улар таркибига бевосита миллий таомлар, кийим-кечак, рақслар ва ҳоказолар киради. Шунингдек ҳунармандчилик, маросим ва анъаналар, ўйинлар ва меъморчилик намуналарини алоҳида таъкидлаш зарур [13].

Этнографик туризм маълум бир халқнинг маданияти ва маиший турмуши, костюмлари, тили, халқ оғзаки ижоди, урф-одат ва анъаналари, этник ижоди билан таништиришга қаратилган кунгилочар туризмдир. Туристлар ўз меъморий қиёфасини сақлаб қолган тарихий қишлоқ жойларини, кундалик турмушда ва ижодиётда сақлаб қолинган халқ маданияти намуналарини ўрганишга ва улар билан танишишга қаратилган. Қишлоқлар (манзиллар) реал ва намойиш учун белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, Таиланддаги узун буйинли аёллари бўлган каренлар қабиласининг қишлоғи намойиш учун белгиланган қишлоқдир. У ердаги одамлар бу қишлоққа ишга келишади, кечки пайт бошқа қишлоқдаги ўйларига қайтиб кетишади. Этнографик туризм Сурхондарё воҳасида ривож топган. Этнографик туризм дунёда кенг тарқалган. Масалан, Мисрда бадавийлар қишлоғига бориб, маросимларда қатнашиш, миллий қўшиқ тинглаш, миллий рақсларни томоша қилиш, туяларга миниш мумкин.

Тарихий ресурс маданий ва табиий мерос билан чамбарчас боғланган. Этнографик миллий табиий, тарихий ва маданий меросни, улка анъаналарини сақлашга ва улардан фойдаланишга асосланган. Ҳар бир ўлка ноёб маданий ва табиий меросга эга. Этнографик туризм ана шу бойликдан туристик мақсадларда фойдаланишга қаратилган. Айнан этнографик туризм улканинг ноёблигини очиб беради, табиий ва маданий меросга рационал ва эътиборли муносабатда бўлишга даъват этади.

Этнографик туризм дунёнинг турли халқлари, яъни этник халқларнинг маданий ва маиший хусусиятларини ўрганадиган фан бўлиб, бу ҳолда турист бу хусусиятлар билан бевосита танишади ва маълум даражада уларни ўрганади.

Этнографик туризм ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар учун жозибадор бўлган маданий-маърифий ва зиёрат туризмнинг йўналишларидан биридир. Жаҳон амалиёти туризмнинг бу тури инсоннинг бутун маънавий эҳтиёжларини қондира олишини исботлайди. Ўзбекистон улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Мамлакат ҳақли равишда нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда туризм марказларидан бири ҳисобланади. Қадимда Хитойни Европа мамлакатлари билан боғлаб турган Буюк Ипак йўли ўтган сайёҳлар учун энг жозибадор шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва Термизларда турли тарихий даврларга оид кўплаб меъморий ёдгорликлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида замонавий меъморчилик ўтган асрлардаги миллий меъморчилик ёдгорликлари билан ёнма-ён яшайди. Ўзбекистонда кўплаб хорижий меҳмонларни жалб қилиш учун бошқа ресурслар ҳам мавжуд: чўл ва қўриқхоналар, турли хил ҳайвонлар ва ўсимликларга бой; фаол туризмни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган тоғ чўққилари ва дарёлар; шифобахш сувли минерал булоқлар; амалий санъат анъаналари ва ўзига хос маданиятни фақат Ўзбекистонда учратиш мумкин.

Туристик маршрутларда иштирок этувчи этнографик мерос қуйидаги турлар билан ифодаланади: биринчидан, бу муайян халқларнинг анъанавий маданияти ва турмуши хусусиятларини сақлаб қолган мавжуд аҳоли пунктларига боришдир. Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, хоҳ у воҳа бўлсин, хоҳ водий бўлсин, ўзига хос қиёфа, бой маданий меросга эга. Тарихий ривожланиш жараёнида ҳар бир аҳоли пункти минтақанинг миллий ва табиий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос маданияти, турли хил уй-жой шакллари, маросимлари ва анъаналари билан ўзига хос меъморий услубни ишлаб чиқди.

Иккинчидан, этнографик туризмга халқ ҳаёти музейлари билан танишиш киради. Музей кўргазмаларида айрим ҳудудлар аҳолисига хос бўлган халқ либослари, деҳқон ҳаёти ва халқ амалий санъати буюмлари тўпламлари мавжуд. Улар сайёҳларни тарихий ўтмиш билан таништиради. Этнографик туризм туфайли анъанавий уй-жой ва хўжалик биноларини, маҳаллий аҳолини миллий либосларда кўриш, шунингдек, анъанавий байрамларда қатнашиш, миллий таомлардан татиб кўриш ва анъанавий уй-рўзгор буюмларини эсдалик совғалари сифатида харид қилиш имконияти яратилмоқда.

Этнографик туризм туризмнинг энг жозибали ва истиқболли йўналишларидан биридир. Этнографик туризм нафақат инсоннинг маънавий оламини бойитиш, балки анъанавий этник маданиятларни сақлашга ҳам қаратилган. Шу билан бирга, этнографик туризмни ташкил этишда асосий жиҳат одамларни турли этник гуруҳларнинг ўрф-одатлари ва маданияти - тили, турмуш тарзи, дини, кийим-кечак, фолклор, ошхона ва бошқаларнинг хусусиятлари билан таништиришдан иборат.

Этнографик туризмни ташкил этишга замонавий ёндашувда ташкил этиш турига кўра иккига ажратиш мумкин:

- этник гуруҳларнинг айрим хусусиятларини, уларнинг тарихий ва маданий тараққиёти маҳсулотларини сайёҳлар учун қулай шакл ва шароитларда, масалан, этнографик музейларда, қишлоқларда, мажмуаларда, боғларда ва ҳоказоларда намойиш қилиш учун шарт-шароитлар яратишни ўз ичига олган сунъий ташкилий тури. Моддий ва маънавий маданиятни сақлаш ва тиклаш, шунингдек, этнографик туризм учун жозибадор марказларни яратиш бу турнинг хусусиятларидан иборат;

- этнографик туризмни ташкил этишнинг табиий тури маълум бир ҳудудда этник гуруҳнинг тарихий-маданий ривожланишининг натижаси бўлиб, ушбу жараёни ҳақиқий шаклда сақлаш натижасида шаклланади, яъни этник гуруҳ вакиллари анъанавий турмуш тарзига мувофиқ яшашни давом эттирсан, бу тур амалга ошириладиган жойлар, масалан, ўзлигини, моддий ва маънавий маданиятини, қўриқхоналарини сақлаб қолган маълум бир этник гуруҳ яшайдиган аҳоли пунктлари, чекка қишлоқлар ва бошқалар. Ушбу тур нафақат халқларнинг моддий ва маънавий қадриятларини сақлаш ва тиклашга, шунингдек, сайёҳлик марказларини яратишга

ҳисса қўшади, балки маҳаллий жамоаларнинг иқтисодий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиш, барча ёшдаги аҳоли бандлигини таъминлаш имконини беради, ёшларнинг шаҳар муҳитига кетишини камайтиради ва “қишлоқ ҳаёти” нуфузини оширади (1-расм) [84].

1-расмга кўра, этнографик туризмни турларга бўлишда шуни таъкидлаш керакки, табиий тур халқларнинг маданий ва тарихий қадриятларини сақлаш ва этказишга кўпроқ ҳисса қўшади, чунки ахборот ташувчилари этник гуруҳнинг ўзи, улар яшаётган анъанавий муҳит эса ана шу тарихий-маданий жараёнлар натижасида шаклланади, яъни туристлар жамият ва этник гуруҳ тараққиётининг ҳақиқий маҳсули билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар.

Этнографик туризмни ташкил этишнинг сунъий тури қисқа вақт ичида кўргазмалар, экскурсиялар, кўнгилочар тадбирлар ва бошқа тадбирлар орқали этник гуруҳ ҳақида максимал маълумотни “марказлашган ҳолатда” олиш имконини беради. Мавжуд концепцияларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, этнографик туризмнинг сунъий тури айнан туризмнинг ўзини ривожлантириш учун яратилган, табиий тури эса туризмни халқнинг мавжуд меросини сақлаш усули сифатида назарда тутади.



**1-расм. Этнографик туризмнинг ташкилий турлари**

Чет элда этнографик туризмни ташкил этишда катта тажриба тўпланган, уни ўрганиш биз учун айниқса муҳим кўринади, чунки бу туризмнинг ушбу турини ташкил этишда муқобил ечимларни излашга ёрдам беради. Этнографик туризм йўналишлари бўйича маълум бир ютуқларга эришган Озарбайжон ва Қирғиз Республикасида ташкил этилган этнографик комплекслар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Гала археологик-этнографик музей мажмуаси 2008 йилда Бокунинг Хазар туманида жойлашган қадимий Гала қишлоғи ҳудудида Ҳайдар Алиев жамғармаси дўмагида ташкил этилган. Озарбайжондаги ажойиб очиқ осмон остидаги музейга

ташриф буюриб, сиз ўзингизни бронза даври ва ўрта аср шаҳарида ҳис қилишингиз мумкин. Бу қадимий Гала қишлоғи, ҳозир Давлат тарихий-этнографик қўриқхонасидир. Боқудан тахминан 40 км узоқликда жойлашган мажмуа ҳудуди 81 гектардан ошади. Унинг ҳудудига юздан ортиқ футбол майдонларини осонгина сиғдира олиш мумкин.

Музейга ташриф буюрувчилар Гала қишлоғининг қадимий тарихи билан танишишлари мумкин. Очиқ осмон остидаги саноқли музейлардан бири бўлган Гала археология-этнографик музейлар мажмуасида милoddан аввалги 3-минг йилликдан то ҳозирги кунгача Гала қишлоғида яшаган аҳолининг турмуш тарзи, тепаликлар, қабрлар, турар-жой бинолари, ва қадимий қалъа харобалари ҳозирги кўринишида сақланиб қолган 5 та масжид, 3 та ҳаммом ва бошқаларни ўз ичига олади. Кулолчилик устахонаси ва новвойхона бугунги кунда худди ўрта асрлардаги каби ишлайди. Гала ёдгорлик мажмуасида бронза даврига оид қоя ва ғорлардаги қадимий инсоний жойлар, қоятош расмлари, қадимий пойдеворлар, X-XIV ва X-XV асрларга оид қадимий девор харобалари, икки ер ости йўлаклари ўрин олган. Каспий денгизи ва Боқу шаҳри, 18-асрга оид тандир, гавалдош, кулолчилик, ўй-рўзғор буюмлари ва заргарлик буюмлари, қурол-яроғ ва тангалар, қадимий манзилгоҳ харобалари сақланиб қолган. 2011-йилдан буён Гала-музей мажмуаси ҳудудида “Гала” ахборот маркази, Этно-экологик марказ, антиқа буюмлар музейи ва карвонсарой-ресторан фаолият юритмоқда.

Бу комплексда милoddан аввалги 3-2 минг йилликлардаги қоятош расмлари, бинолар ва ўй-рўзғор буюмларини кўриш мумкин. Комплексда Абшерон ярим оролининг ажойиб манзараларини тақдим этадиган 10-14-аср қалъаси мавжуд. Ўрта асрлар шаҳарчасида ота-боболаримиз қандай яшаганлигини билиб оласиз, уларнинг кийимлари, идиш-товоқлари, тангалари ва заргарлик буюмларини кўриш мумкин. Шунингдек бу ерда интерактив саёҳатни амалга ошириш, яъни гилам тўқиш, лойдан кўза ясаш, қадимий тандирда нон пишириш ва ҳақиқий темирхонада буюмлар ясашда иштирок этиш мумкин.

Мажмуадаги яна бир ноодатий музей – “Чиқиндилардан санъатга” (From waste to art) кўргазмаси сайёҳларни бугунги кунларга қайтаради. Бу ерда маиший чиқиндилардан ясалган санъат буюмлари тўпланган: симлар, лампочкалар, филдираклар, сув идишлари, целлофан, ўйинчоқлар, турли автомобил қисмлари ва бошқа ўз умрини ўтаб бўлган буюмларни кўриш мумкин. Бу ерда маҳаллий ва хорижий рассомларнинг 180 га яқин турли санъат асарлари намойиш этилмоқда. Темир бўлагидан ясалган Симурғ қуши, ёғоч чиқиндиларидан ясалган от ҳайкалчалари, пластик қошиқ, вилка ва пичоқлардан ясалган балиқлар диққатни тортадиган экспонатлардандир.

Гала қўриқхонасида экспонатларга қўлларингиз билан тегишингиз мумкин. Бундан аниқса болалар бундан хурсанд бўлишади. Шунингдек, мини-ҳайвонот боғи ҳам ташкил этилган. Комплексга кириш 3 ёшгача бўлган болалар учун бепул, 12 ёшгача бўлган болалар учун эса фақат ярмини тўлайсиз. Комплексда суратга олиш тақиқланган эмас.

Қирғиз Республикасининг Талас шаҳридан 13 км узоқликда, Манастин-Чоқусу тоғи етагида, Манас Кумбез тарихий иншооти яқинида қирғиз миллий мажмуаси Манас Ордо жойлашган. Комплекс 225 гектарлик жуда катта майдонни эгаллайди. Мажмуанинг барча объектлари миллий рангда қурилгани уни ўзига хос қилади. Халқ

тасаввурида бутун Талас водийси халқ қаҳрамони – Манас ҳақидаги достонда акс этган воқеалар хотиралари билан қопланган.

Манас Ордо мажмуасида узоқ ўтмиш воқеаларини акс эттирувчи археологик ёдгорликлар мавжуд. Бу ёдгорликлар орасида қоятош расмлари, тош ҳайкаллар ва, шубҳасиз, қабристонлар алоҳида ўрин тутаяди. Бу ерда петроглифларни ва руник ёзувнинг бошқа ёдгорликларини ҳам кўриш мумкин.

Комплекснинг тарихи 1976 йилда Кумбез Манас архитектура-тарихий ёдгорлиги ҳудудида адабий-этнографик музей ташкил этиш билан бошланган. 1990-йилда “Манас” давлат музей-қўриқхонасига, 1996-йилда эса “Манас-Ордо” минтақавий мажмуасига айлантирилди. Ва ниҳоят, 2001 йилда, яна бир қайта ташкил этиш пайтида, у Қирғизистон ҳукумати қошидаги “Манас Ордо” миллий мажмуаси номини олди.

Талас заминида кўплаб моддий ва маънавий маданият ёдгорликларида тарих сақланиб қолган. “Манас Ордо” мажмуаси ва “Манас кумбези” қирғиз халқи маънавий маданиятининг энг бой меросидир. Мажмуанинг сайёҳлар эътиборини тортадиган асосий объектлари – Манас кумбези – қадимий меъморий ёдгорлик, қадимий, тарихий, қабр тошлари, қадимий қабристонлардир. Булар Сако-Усун Кўрғон қабристонлари, шунингдек, Кенқол қабристонининг катакомба ёдгорликларидир.

“Манас” достони қирғиз халқининг оғзаки равишда авлоддан-авлодга, асрдан асрга ўтиб келаётган буюк маънавий меросидир. Ва шу кунгача бу ноёб достон неча асрлар ўтгандан кейин ҳам инсониятни ҳайратда қолдиришда давом этмоқда. Дунёда бир халқ ҳаётининг турли тарихий, этнографик, маданий жиҳатларини бундай миқёсда акс эттирадиган ўхшашлар йўқ.

Ўзбекистонда ҳам этнографик комплекслар ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Бунга мисол сифатида Бухоро шаҳрида барпо этилаётган “Боқий Бухоро” тарихий-этнографик паркни оошишимиз мумкин. Парк ҳудудидан этнографик музей, Бухоро воҳаси учун хос бўлган тарихий маҳаллалар, аҳоли учун хизмат кўрсатувчи чойхоналар ва миллий таомлар тамаддиҳоналари, анъанавий дренаж тизимлари - ариқ ва ҳовузлар, ҳунармандлар расталари, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, кулолчилик, наққошлик, пичоқчилик каби амалий санъат устахоналари ўрин олади. Ўз ўрнида қайд этиш керакки, бу лойиҳа асосида мўлжалланган ҳудуднинг учдан икки қисмида Бухоро аҳолиси ва меҳмонлар сайр қилиши учун муҳташам сайлгоҳ (яшил боғ) бунёдга келиши мўлжалланган. Бунда лойиҳа ҳудудида “Яшил Бухоро” дастурига мувофиқ илгари ташкил этилган майдондаги дарахтлар ва яшиллик қиёфаси тўлиқ сақлаб қолинади ҳамда янги боғ манзараси сифатида янада бойитилади.

Шунингдек бу эътибор Самарқанд шаҳрида ташкил этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази ва “Боқий шаҳар” мажмуасида яққол кўзга ташланади. Марказ ва мажмуа яхлитликда ўндан ортиқ объектдан иборат. Марказ таркибида ниҳоятда муҳташам “Конгресс холл”, 2 та 5 юлдузли, 2 та 4 юлдузли, 4 та 3 юлдузли меҳмонхоналар ва амфитеатр ҳамда бошқа иншоотлар мавжуд. Шаҳарда бундай “халқаро туризм маркази” қад ростлашининг сабаблари бор. Аввало, шаҳар нафақат мамлакатимизда, балки бутун Шарқда сайёҳлик марказларидан бири саналади. Қолаверса, Самарқанд халқаро миқёсдаги анжуманлар, конференциялар, йиғилишлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, тўю томошалар шаҳри. Йилига ўнлаб турли хил анжуманлар ўтказиш бу шаҳар учун одатий ҳол бўлиб қолди. Шунинг учун

ушбу шаҳарда конгресслар ўтадиган ниҳоятда маҳобатли иншоот ва кўплаб меҳмонхоналар қурилиши ҳаётий зарурат эди.

Марказда Конгресс холл, меҳмонхоналардан ташқари сунъий сув ҳавзалари, 60 метр баландликка сув сачратувчи фавворалар, минглаб манзарали дарахтлар экилган боғ, гулларга бурканган хиёбонлар ҳам бунёд қилинган. Буларнинг ҳаммаси Амир Темур бунёдкорликларини, боғларини эсга солади.

Марказнинг яна бир гўзал объекти — ноёб меъморий режага асосан қад ростлаган “Боқий шаҳар” мажмуаси ҳисобланади. Мажмуа таркибида Карвонсарой комплекслари ўрин олган. Карвонсарой яхлит ҳолатда Самарқанд ва Шарқ тарихини намоён этади. Бу ерда аждодларимиз томонидан бир неча асрлар давомида ўлмас мерос сифатида сақланиб келган ва бугунги кунда ҳам авлодларимиз давом эттираётган халқ амалий санъати ҳамда ҳунармандчилик санъати дурдоналари, шарқ бозорлари, тужжорлари ҳаёти билан боғлиқ жараёнлар, дунё халқларини, маданиятларини, маънавиятларини бирлаштиришга хизмат қилган карвонлар фаолиятига, Буюк ипак йўлига оид лавҳалар, ҳозирги кунда амалий санъат намуналарини яратаётган усталар ишлари ўрин олган. Худди эртақлардаги, афсоналардаги сингари шарқона муҳит намоён бўлган. Мажмуадаги миллий галереяда юртимиздаги ҳар бир ҳудуднинг бой маданий мероси намоён этилади. Сайёҳлар бу ерда усталар, ҳунармандлар билан бевосита учрашиш, улар яратаётган гўзал санъат намуналари билан танишиш имкониятларига эга бўладилар.

Йигирма олти метрлик минора “Боқий шаҳар”га янада ўзгача кўрк ва тарих файзини беради. Мажмуадаги Ёзги маданий тадбирлар ўтадиган саройнинг деворлари “Афросиёб” музейидаги деворий суратлар нусхаси асосида яратилган. Сарой безаклари юртимизнинг машҳур усталари ҳамда самарқандлик ҳунармандлар томонидан амалга оширилган. Хуллас, “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази ва “Боқий шаҳар” мажмуаси шарқ ва дунё меъморчилигининг қадимий ва замонавий андозалари асосида бунёд қилинган. Марказ ҳамда мажмуа қадим кентнинг тарих ва келажак чорраҳасидаги ғаройиб мўъжизаси деса арзийди.

Юқорридаги тажрибаларга таяниб Қорақалпоғистон Республикаси Эликқалъа туманида “Тупроққалъа этно-музейи”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

Маълум-ки, Эликқалъа туманидаги “Тупроққалъа” ёдгорлиги милoddан аввалги I-IV ва VI асрларга тегишли бўлиб, у 1938 йил рус тадқиқотчиси С.П.Толстов экспедицияси томонидан кашф этилган.

Тупроққалъа саҳни тўғри тўрт бурчак шаклида бўлиб, 17,5 га ер майдони тенг. Унда 2000-2500 киши истиқомат қилган. Шаҳар гумбазсимон йўлакчи ва буржли мудофаа девори билан ўралган.

Шаҳарнинг ичида жойлашган хонадонларнинг орасидаги йўлаклар жуда тор бўлиб, ёшларга туширилган тамғалар орқали яшаган жамоаларнинг қайси уруққа мансублигини аниқлаш мумкин бўлган.

Ҳайратланарлиси шуки, ташқи деворларнинг қалинлиги 7-9 метрга тенг. Шаҳарни археологик қазиш жараёнида 100га яқин турар жой ва саккизта сарой аниқланган. Заллар бўртма нақшлар ва рангли хайкаллар билан жиҳозланган.

“Тупроққалъа” эрамининг I-IV асрларида Хоразм давлатининг пойтахти ҳисобланган. Шаҳар тарихи ҳамон ўрганилмоқда. Археологик ёдгорликка чиқиш учун

зинапоярлар барпо этилган. Чунки, лойсимон йўлаклар кўтарилишга ноқулайликлар туғдирган.

Ваҳоланки, Тупроққалъа нафақат ўзининг ғаройиб меъморичилиги, балки қадимий Хоразм ёзувининг ноёб топилмалари билан ҳам машҳур. Саройнинг жануби-шарқий қисмидаги тўртта хонадан қадимги хоразм тилида ёзилган ҳужжатлар топилган. Қора сиёҳ билан ёғоч лавҳалар ва чарм варақларга ёзилган жами 116 та ҳужжат топилди. Ёғочдаги ҳужжатлар ва ўн саккизтаси жуда яхши сақланган. Ҳужжатлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, уларнинг табиати аллақачон аниқланган. Булар сарой архивидан олинган иқтисодий ҳужжатлардир. Топилган ҳужжатлардан учтаси аниқ санага эга - 207, 231 ва 232 йиллар.

Подшоҳлар саройидан топилган топилмалар орасида архивдан ташқари ҳайкалтарошлик ва расмлар ҳам катта қизиқиш уйғотади. Тупроққалъа “Қадимги Хоразм тасвирий санъати музейи” деб бежиз аталмаган. Бу Хоразмнинг тўлиқ қазилган ягона меъморий ёдгорлигидир. Унинг катта-кичиклиги ва меъморий дизайни даҳоси Тупроққалъани Хоразмнинг энг ноёб ёдгорликларидан бирига айлантиради.

Сарой алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг қанчалик улуғвор ва ҳашаматли эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас, чунки унинг баландлиги 40 метрга етиб, ҳайкалтарошлик ва расмлар билан безатилган 150 хонали саройдан иборат. Қазималар давомида олимлар Тупроққалъанинг қизиқарли тафсилотида эътибор беришди: нафақат сарой бинолари, балки оддий фуқароларнинг турар-жой бинолари ҳам эллинистик услубдаги бадиий расмлар билан безатилган, бу қадимий шаҳарнинг юксак маданиятидан далолат беради.

Қалъа уч қаватдан иборат эди. Унинг хоналарида жуда кўп қолдиқлар топилган: озиқ-овқат қолдиқлари (суяклар, уруғлар) дан идишларнинг бўлаклари ва бутун қисмларигача, турли хил идишлар, заргарлик буюмлари, ҳайкаллар (энг машҳур ҳайкаллардан бири - Рухоний ҳайкали), расмлар ва ҳатто қадимги Хоразм ёзувлари ҳам.

Ҳашаматли саройнинг маркази, албатта, монументал девор расмлари ва антиқа безаклар билан безатилган тахт хонаси эди. “Қироллар зали”да кеч эллинистик санъатнинг ҳайкаллари, жуда реал юзлари бўлган турли хил портретлар ва ҳайкаллар топилган.

Тупроққалъа қўрғонидаги қазималар шов-шувга сабаб бўлди ва жуда кўп қизиқарли материалларни берди, бу бизга шаҳар Қадимги Хоразмнинг илғор пойтахти бўлганлиги, бу заминда қадимий маданият гуллаб-яшнаганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди. Кўчалар ва бинолар шу қадар яхши ишланганки, Тупроққалъани геометрия шоҳлиги деб аташ мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар мамлакатимизда илк марта этнотуризмни ривожлантириш, қадимда яшаган маҳаллий халқ этнографик маданияти бойликларини туризм маҳсулоти сифатида тарғиб қилиш орқали сақлаб қолиш, келажак авлодларга етказиб бериш ҳисобланади. Туманда этнографик туризмни шакллантиришнинг ўзига хослиги шундаки, ҳудуддаги мавжуд ресурслар этно-музей ташкил қилиш имконини беради. Мавжуд ресурсларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, Қорақалпоғистон ҳудудида сайёҳлик бизнесини янада самарали ташкил этиш имконини беради [11]. Музей туристларни жалб қилувчи ва уларга хизмат кўрсатишда иштирок этувчи барча объектлар туризм ресурсларини қамраб олади. Бунга табиий

ресурслар (табиат ёдгорликлари, қўриқхоналар, дам олиш учун ландшафтлар) ва маданий (архитектура ёдгорликлари, музейлар, театрлар, машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ жойлар) киради. Минтақанинг туризмни, айниқса таълимни ривожлантириш истиқболлари маданий ва тарихий ресурслар: тарих ва маданият ёдгорликларининг мавжудлиги билан белгиланади [12]. Бунга халқларнинг урф-одатлари, кадриятлари ва турмуш тарзи маданияти ҳам киради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, этнографик саёҳатларни ривожлантириш имкониятлари жуда кенг, аммо бугунги кунда Ўзбекистон бўйлаб ҳали тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Шуни таъкидлаш лозим, Республикамиз учун янги бўлган этнографик туризм аллақачон оммалашиб бормоқда. Бунга нафақат Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва бошқа қадимий шаҳарлари меъморчилиги, балки шу ҳудудда яшаётган аҳолининг турмуш шароити ҳам асос бўлади. Туризмнинг бу тури сайёҳларнинг халқларнинг ҳақиқий ҳаётига, халқ анъаналари, маросимлари, ижоди ва маданияти билан яқиндан танишишга бўлган қизиқишига асосланади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун Элекқаблла туманида туризмни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари таклиф этилади:

–Этник-маданий турдаги ўзига хос йўналиш сифатида минтақанинг жозибали қулай туристик имиджини шакллантириш (Оммавий сайёҳлар нуқтаи назаридан унинг индивидуаллигини таъкидлаб, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини намойиш қилиш учун Интернет-маркетинг ва оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан фаол фойдаланиш). Ҳудуд брендини яратишда турлича ёндашувлар мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси учун энг тўғри ёндашув ҳудуднинг ўзига хослигига асосланади, бу кўрсатилган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

– Туризмнинг энг истиқболли турлари ва жозибаторларига сармоя киритиш ҳажмини ошириш зарур

– Халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган замонавий туризм инфратузилмасини (яшаш, озиқ-овқат, транспорт, дам олиш зоналари) яратиш зарур. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимиятларнинг қўллаб-қувватлашини талаб қилади.

– Профессional кадрлар тайёрлаш ва мавжуд сайёҳлик фирма ва компаниялари мутахассисларининг малакасини ошириш муҳим муаммолардан биридир. Мавжуд сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, 2024-2025 йилларда минтақага туристлар оқимининг ошиши кутилмоқда;

– Этнографик мавзу потенциал қизиқарли бўлган аҳоли пунктларида ёки истиқболли сайёҳлик жойларида ушбу ҳудудларни оммалаштириш учун маҳаллий аҳолини танловлар, маҳорат дарслари ва бошқа тадбирлар шаклида максимал даражада жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

- Туризмни ривожлантириш мақсадида вњанавий халқ ҳунармандчилигидан кенг фойдаланиш, шу муносабат билан сайёҳларга жуда кенг турдаги ноёб сувенирларни таклиф қилиш керак. Сувенирлар минтақанинг ўзи ва диққатга сазовор жойлари ҳақида яхши эслатма бўлади. Туристлик товарларнинг кенг ассортименти

сайёҳлар орасида айниқса талабга эга, чунки саёҳат пайтида туристлар кундалик ҳаётдан кўра кўпроқ пул сарфлашни яхши кўрадилар. “Пул сарфлаш - бу ўзига хос завқ, аммо таътилда”, деган нақлга амал қилиш туристларга хосдир.

Бундан ташқари, этномарказда сайёҳларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилган ҳолда ҳунармандлар томонидан сувенирлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин, бу жуда қизиқарли бўлади ва савдо ҳажмини оширади.

– Минтақани туризм бозорида муваффақиятли жойлаштириш учун юқори сифатли босма маҳсулотлар (қўлланмалар ва махсус адабиётлар, кўплаб маданий, тарихий ва туристик диққатга сазовор жойлар каталоглари) етишмаслиги мавжуд.

Ҳудудда этнографик лойиҳаларни яратиш қуйидагиларга ёрдам беради:

– кўп сонли сайёҳларнинг яхши дам олишлари ва сифатли хизмат кўрсатишга бўлган қизиқишлари ва талабларини имкон қадар қондириш;

– ҳудудда янги иш ўринларининг пайдо бўлиши ҳисобига кўпроқ маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш, чунки туризм иш ўринлари яратиш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

Иш ўринларининг пайдо бўлиши истиқболлари нафақат шаҳарларда, йирик марказларда, балки бевосита этник маданият вакилларининг яшаш жойларида ҳам кузатилмоқда;

– потенциал инвесторлар учун ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш;

– вилоят ва шаҳар бюджетларига тушумларни ошириш ва ҳоказо.

Этнографик туризмни ривожлантириш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши ва ривожланишига, маҳаллий аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Юқорида айтилганларга асосланиб, муаллиф этнографик туризм дастурларида инновацияларни қўллаш зарур деб ҳисоблайди, уларни тўлдирилган реаллик, туризм индустриясининг янги намоиш объектлари ва технологиялари, хусусан, ўзига хос хусусиятларга сингиб кетиш имкониятига эга бўлган ресторан ва меҳмонхона этник мажмуалари Яъни этник гуруҳнинг “тирик тарих” элементлари орқали билан тўлдириш керак. Туристларнинг турли миллатларнинг этник хусусиятларини билиш уларнинг анъаналари, турмуши ва маданиятини солиштириш орқали уларнинг қанчалик хилма-хилликнинг кенглиги ҳақида тушунча беради. Бу дунёнинг хилма-хиллиги этник гуруҳнинг барча маданиятларининг шундай тушунарсиз хилма-хиллиги ва кўп маънолилигида эканлиги ҳақида тушунча ҳосил қилади. Бинобарин, маданий мерос сақланиб қоладиган ва зарарсиз фойдаланиладиган дунё этнографик туризмнинг асосий мақсади ҳисобланади. Этник дастурларни ишлаб чиқишда қўшимча компонентлар қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам, стилизе қилинган мажмуаларда ҳам туристларни қабул қилиш учун шароитларни шакллантиришни ўз ичига олади; маҳаллий аҳоли томонидан сақланиб қолган турли байрамлар билан боғлиқ турли тадбирлар. Келажакда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида этнотуризмнинг генеалогик ва этнографик турлари - абориген, антропологик, джайлоо туризми каби кичик турларининг хусусиятларини ўрганиш ва ривожлантириш мумкин.

Аҳоли пунктларида туризмнинг этнографик йўналишини ишлаб чиқишда эҳтиёт бўлиш ва сайёҳлар қабул қилинадиган қишлоқларда ўрнатилган анъанавий турмуш тарзини бузмасликка ҳаракат қилиш керак. “Меҳмонхонадагидек” қулайлик ва хизмат кўрсатишга интилиш, кафе ва ресторанларнинг очилиши қишлоқдаги маънавий

муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатиши, ҳам ўзаро уйғунликка интилаётган хорижлик сайёҳларни қайтариши мумкин. Фақат маҳаллий сайёҳларга эътибор қаратиб, қисқа муддатли фойда кўришга йўл қўймаслик, балки турли гуруҳларни жалб этадиган, узоқ муддатли ва барқарор модел яратиш устида ишлаш муҳимдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “ июлдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 16 октябрида Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/6763>
3. М. Р. Болтабаев, И. С. Тухлиев, Б.Сафаров, С. А. Абдухамидов Туризм: теория и практика. — Т.: Fan va texnologiya, 2018, 400 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Туризм йўналишидаги ислохотарни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-238 сонли Қарори. // <https://lex.uz/docs/6549286>
5. Туризм. Гостеприимство. Сервис: словарь-справочник / Г. Аванесова, Л. Воронкова, В. Маслов, А. Фролов. – М.: Аспект Пресс, 2002. –367 с.
6. Биржаков М.Б. Введение в туризм / М.Б. Биржаков. – СПб.: Изд-во «Герда», 2007. – 192 с.
7. Моралева, Н.В. Организация этнографического и аборигенного туризма: учебное пособие – М.: Библиотека коренных народов Севера, 2008. – 43 с.
8. Сундуев Ч.Б. Этнотуризм как одно из направлений культурно-познавательного туризма / Ч.Б. Сундуев, Л.В. Хышиктуева // Вестник Бурятского государственного университета, 2009. – № 4. – С. 53–56.
9. Чернов В.А. Разработка и организация этнографических туров из сборника / В.А. Чернов // Экологический и этнографический туризм: становление, проблемы и перспективы развития: всеросс. науч. практ. конф. – Хабаровск: Изд-во ДВГУПС, 2009. С. 67-72.
10. Smith V. Hosts and Guests / University of Pennsylvania Press. – Philadelphia, 1977
11. Эштаев А. Тупроққалъа тарихий этно-музейини ташкил қилиш истиқболлари / “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. - 1/2024, yanvar-fevral (№ 00069). 225-229 бет.
12. Ахмедов И. А. Этнографик туризмни ташкил этишнинг хориж тажрибаси/ “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. - 7/2024, iyul. 33-37 бет.
13. Киличова, О. З. Актуальность и пути развития этнографического туризма в Узбекистане / О. З. Киличова, Ш. Б. Гаффаров. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 13 (303). — С. 111-113. — URL: <https://moluch.ru/archive/303/68345/> (мурожат қилинган сана: 28.06.2024).